

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2021-1
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

МУНДАРИЖА
БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Dadayev S., Saparov K. Organik olam va hayvonot dunyosining zamonaviy sistemasi asosda yangi o'quv adabiyotlari yaratish	6
Ro'zimov A.D., Sheraliyev B.M., Yo'ldoshev K.R., Jalolov E.B. Quyi Amudaryo havzasi ixtiofaunasining hozirgi taksonomik holati	10
Абдуллаев Э.Н., Халимов Ф.З., Ҳамзаев Р.А., Раҳимов М.Р., Усанов У.Н., Алиев Д. Зарафшон тоғ тизмасида коврак (<i>Ferula kuhistanica</i>) энтомофаунасининг тур таркиби	15
Абдурасулова С.Ш., Базарова Р.Ш. <i>Candaharia rutellum</i> нинг биологияси ва ҳаёт цикли	22
Авезова У.М., Сатторова Ф.Ю., Маткаримов Н.Б. Тупроқ таркибидаги гумус микдорининг ҳосил бўлишида ўсимликларнинг экологик аҳамияти	27
Акбаров Ф.И., Жабборов А.М., Тоҷибаев К.Ш. <i>Ranunculus rubrocalyx Regel ex Kom.</i> географик тарқалишини моделлаштириш ва унинг таҳлили	29
Бекчанов Х.У., Дусчанов У.Э., Комилжонова Г.К. Fauna жестокрылых (Insecta, Coleoptera) Хорезмского оазиса	37
Ибадуллаева Ю.О., Раҳматова К.И., Бозорова Г.С., Тоҷибоев Ш.Ж., Махкамов Т.Х. Ўзбекистон миллий гербарииси ноёб илмий объектида сақланаётган <i>Corydalis Dc.</i> туркуми турларининг таҳлили	40
Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К. Микробиологик препаратларнинг мош (<i>Vigna radiata L.</i>) ўсимлиги маҳсулдорлигига таъсири	46
Раҳимов М.Р. К фауне мух-журчалок (Diptera, Syrphidae) Зарафшанского хребта	49
Рашидов Н.Э., Қувватов С.Қ., Элмуродова Н.Н. Денгизкўлидаги балиқлар турини аниқлаш	54
Рӯзиева И.Ж. Арзиқли ва гипсли тупроқларнинг ўрганилиш ҳолати	57
Содикова Д.Ғ., Нуралиев Х.Х., Мирзаев А.Э. Сурхон воҳасидаги дендрарий боғи	59
Хайдаров С.М., Ҳўжамшукуров Н.А., Абдиназаров Х.Х. <i>Daphnia magna</i> ни етиширишда озуқа манбаи сифатида микросувўтларидан фойдаланиш	62
Халимов Ф.З. Особенности сезонной динамики почвенных хищников (Coleoptera: Staphylinidae, Carabidae) в агроландшафтах	65

ТАРИХ ФАНЛАРИ

Aliev Sh. The life and heritage of Sufi Ollayor	70
Jumaeva N.A. Quyi Zarafshon vohasi dehqonchilik madaniyati tarixidan	72
Jumaniyozova S.Sh. Olim M.M. Gerasimovning ilm-fan taraqqiyotiga qo'shgan hissasi	76
Murodova D.Sh. Ta'lim muassasalari faoliyatiga doir Buxoro viloyati davlat arxivi fondlariga tavsif	78
O'tayeva F.X. Ashtarkoni hukmdorlari boshqaruv faoliyati mustaqillik yillardagi matbuot talqinida	80
Абдириров Р., Собиров С. Пахлавон Махмуд яшаган тарихий давр	83
Ахматов А.Х. Таълим тизимида ислоҳотлар учун кураш	84
Бахриев О.А. "Ал-Жамиъ ас-Саҳиҳ" асарининг тўлиқ номи	87
Бекимметов У. Коллективлаштириш даврида Хоразмдаги немис меннонитларининг ер эгалиги	89
Бобоҷонова Ф.Х. Бухоро амирлигидаги жадид мактабларининг фаолияти	92
Кличев О.А. Крим даврий матбуотида Бухоро амирлари ташрифларининг ёритилиши	96
Курбанов Б.Г. Средневековые литейные формы из Бухары	98
Құдратов Ш.Ә. Бухоро амирлигининг шарқ ҳалқлари билан савдо алоқалари тарихидан	100
Қурбонова М.Б. Генерал-шарқшунос Н.С. Лиқошин фаолиятига бир назар	103
Мансуров М. Собиқ Совет даврида туризмнинг ривожлантиришнинг мағкуравий асослари	106
Мансуров М.Ш. Совет иттифоқи йилларида Фарғона водийсида туризмнинг аҳволи	109
Мирзаев А.А. Совет иттифоқи йилларида Фарғона водийсида зиёрат туризмининг ўзига хос хусусиятлари	113
Мубинов М.А. Дипломатические и посольские отношения среднеазиатских ханств с Османской империей	116
Раджабов О.А., Қаландаров Ҳ.Ҳ. Замонавий тарихшунослиқда "Катта ўйин" масаласи	119
Салаев И.Б. Хоразм архитектурасида синч усулидан фойдаланиш ва унинг аҳамияти	123
Таджиева Ф.Дж. Хива хонлигига кулчиллик муносабатларида аёллар ўрни масаласи	127
Тўраев А.И. Ўғуз қабила ва уруғларининг туркман ҳалқини шаклланишидаги ўрни	129

Хуллас, Бухоро амирлигининг қўшни шарқ халқлари билан олиб борган савдо алоқалари мамлакат ривожига ижобий таъсир ўтказиб, халқаро савдо –сотик алоқаларидаги дипломатик мунособатларининг янада тараққий этишига хизмат қилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вамбери Х. Путешествие по Средней Азии.-М.: 1867.-С.339.
2. Виткевича М.В. Записки о Бухарском ханстве (Записки).-М.: 1983.-С.101.
3. Сухарева О.А. Бухара XIX- начала XX в.-М.,1966 - С.57.
4. ЎзРМДА 1- фонд, 12-рўйхат, 1915-иш, 1-саҳифанинг орқаси.
5. Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса, опыт сравнительного исследования двух систем проректората.- Спб. 1905. -С.113.
6. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары: до мировой войны. 1922.-С.29.
7. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары: до мировой войны. 1922. -С.114.
8. Торговля Бухары. //Туркестанский сборник. М.: Т.526.-С.6.
9. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары: до мировой войны. 1922. -С.36.
10. Зияева Д.Х. Трансформация традиционной городской экономики Бухары в конце XIX в.- нач.XX вв. Центральная Азия. Человек –общество-государство. Москва -2013.-С. 225.

УЎК 93/94

ГЕНЕРАЛ-ШАРҚШУНОС Н.С. ЛИКОШИН ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

М.Б. Курбонова, доц., т.ф.н., Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Уибӯ мақолада ҳарбий генерал бўлсада, Туркистон тарихи ва унинг этномаданий ҳаётига қизиб қолган Нил Сергеевич Ликошиннинг ҳаёти ва илмий фаолияти баён қилинган.

Калим сузлар: Туркистон, ҳарбий гимназия, этнографик кузатишлар, туркистониунослик, шарқшунос-автодидакт

Аннотация. В статье рассказывается о жизни и научной деятельности Нила Сергеевича Ликошина, который был военным генералом и увлекался историей Туркестана и его этнокультурной жизнью.

Ключевые слова: Туркестан, военная гимназия, этнографические наблюдения, тюркология, востоковедение-автодидакт

Abstract. This article describes the life and scientific activity of Neil Sergeevich Likoshin, who became a military general and became passionate about the history of Turkestan and its ethnocultural life.

Keywords: Turkestan, military gymnasium, ethnographic observations, Turkology, oriental studies

Россия империясининг Марказий Осиёга босқинчилик юришлари натижасида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгач, мамлакат ҳарбийлаштирилган тартибга ўтди. Генерал-губернаторликнинг барча бошқарув аппаратида ҳарбийлар фаолияти йўлга қўйилди. Кичик зобитликдан генерал-лейтенант унвонига, шаҳар ҳокими ёрдамчисидан вилоят ҳарбий губернатори лавозимларини эгаллаган Нил Сергеевич Ликошин (1860-1922) Туркистонда қарийб 40 йил давомида хизмат қилган ҳарбийлардан бири эди. У рус миллатига мансуб мансабдорларнинг ўзбек тили ва ёзувини ўрганиб, аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқот қилишларини йўлга қўйишлари ташаббускори бўлган. Ликошиннинг ўзи ўзбек тилида гапиравар, араб ёзувидаги хатосиз ёза оларди. У узоқ йиллик фаолияти даврида маҳаллий халқ тарихи, маданияти ва анъаналарини ўрганди ва бу ҳақда кўплаб маълумотлар ёзиб қолдири.

Нил Сергеевич Ликошин (1860-1922 йй.) маълумоти бўйича ҳарбий бўлсада, Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятига жуда кизиқар эди. Шунинг учун ҳам Туркистонга келиши билан у мустақил тарзда тилларни ўрганиди, кейин эса ишдан бўш вақтларида таржима фаолияти билан шуғулланади. Тарихшунос Б.В.Луниннинг таъкидлашича, Н.П.Остроумовнинг кундалигига Н.С.Ликошин ҳақида қуидаги хотираларни учратиш мумкин: “16 июнь Шанба 1895 йил, кечкурун уйимга ёш офицер Н.С.Ликошин келди ва мендан Тошкент маҳаллий сартларининг тили ва турмуш тарзини маҳсус ўрганиш ҳақида кўрсатма беришимни сўради. Мен уйимга ташриф буюрган меҳмондан хурсанд бўлдим ва унинг эътиборини маҳаллий ерли аҳоли турмуш тарзи ва айниқса, диний эътиқодларининг мухим томонларига қаратдим. Мен унга иккита китобча бердим. Н.С.Ликошиннинг сийратида мен жиддий, иқтидорли ва салоҳиятли инсонни кўрдим” [1].

Н.С.Ликошин ижтимоий қарама-қарши, мураккаб фигура. Оддий дехконнинг фарзанди Н.С.Ликошин аввал 2-Санкт-Петербург ҳарбий гимназиясида, сўнг 1-ҳарбий Павлов билим юртида яхши таълим олади ва ўз хохиши билан Тошкентни хизмат жойи сифатида танлайди. 1879 йилдаunter-офицерликдан ишини бошлайди. 1889 йилда эса капитан унвонида ўлка маъмурий – полиция бошқармаси хизматига ўтказилади. Н.С.Ликошин прапорщикликдан генерал-майор даражасигача, 1914-1917- йилларда эса Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори лавозимигача бориб етади. У ўзининг меҳнатсеварлиги ва билими туфайли олий даражадаги муваффақиятларга эришади [2].

Чор ҳукумати Ўрта Осиёни забт этган ва ундан кейинги даврда олиб борилган этнографик кузатишлар асосан ҳарбий ва маъмурий аппарат вакиллари томонидан тайёрланган расмий ва норасмий ҳужжатлар, маълумотларда акс этган. Матбуот сахифаларида “узоқ ўтмишдан” қолган хикоялар, афсоналар ўлкада азалдан давом этиб келаётган ҳалқ анъаналари ҳакидаги ҳаваскорлик тарзида ёзилган маколалар тез-тез босилиб турарди. Улар орасида ҳарбий ва оддий муаллифлар томонидан яратилган дастлабки жиддий этнографик тадқиқотлар ва маколалар алоҳида ажralиб турарди. Н.С.Ликошиннинг “Пол жизни в Туркестане” асари ҳам жиддий этнографик тадқиқотлар каторидан жой олган эди [3].

Инқиlobга қадар Ўзбекистонда археологик тадқиқотларда 1895-1917 йилларда фаолият кўрсатган Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги катта ўрин тутган. Кўп йиллар давомида бутун Ўрта Осиёда ягона илмий ўлкашунослик жамияти бўлган бу ташкилот ўлка тарихини ўрганишда чукур из қолдирди. Тўгарак томонидан унинг аъзолари қилган илмий маърузалари “баёнлари”, илмий ишлар, ҳабарлар чоп этилган. Тўгаракка Туркистон генерал-губернатори барон Б.А.Вревский фахрий раис қилиб сайланган. Тўгаракнинг 108 аъзоси бор эди. Булар ичida В.В.Бартольд, Д.М.Левшин, Н.С.Ликошин, К.В.Аристов, В.Ф.Ошанин ва бошқа машҳур кишилар бор эди. Н.С.Ликошин 1895 йилда ташкил этилган ушбу тўгарак асосчиларидан бири эди. Тўгаракда прогрессив кайфиятдаги рус интеллигенциясининг таъсири кучли эди. Улар Ўрта Осиё тарихи ва қадимги ёдгорликларига ҳурмат билан қараб, жиддий илмий текшириш ишларини жонлантириб юборган эдилар [4].

Айни пайтда тўгарак ўз фаолиятида илмий-тадқиқот ташкилоти даражасига кўтарила олмаганини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Гарчанд унинг айrim аъзолари (Н.С.Ликошин, Н.Г.Маллицкий, И.И.Трофимов, М.А.Терентьев, Ошанин-ота ва бошқалар)нинг ишлари мутлақо илмий характерда бўлсада, “баёнлар”да чоп этилган кўп маколалар ҳабарлар тарзида бўлиб, маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил этишдан холи эди. Шунга қарамай, Туркистон археолог-ҳаваскорлари ва ўлкашуносларининг 20 йилдан ортиқ фаолияти ниҳоятда фойдали эди. Тўгарак фаолияти туфайли археология тадқиқотлари илмий йўналишида олиб борилди. 1917-1920 йилларда инқиlob ва фуқаролар уруши туфайли Туркистон ҳаваскорлари археология тўгараги ўз фаолиятини тўхтатди ва бу йиллар археология тараққиётида ўтиш даври бўлиб қолди [5].

Н.С.Ликошин ҳам В.Л.Вяткин, М.С.Андреев, Диваев, Комаровлар сингари Ўрта Осиёning маҳаллий туркистоншунос олимлари сафида турган ва илмий тадқиқот материаллари “Туркестанские ведомости” газетасида чоп этилган. Бугунги кунда XX аср боши тадқиқотчилари учун “Туркестанские ведомости” газетаси-муҳим тарихий манба бўлиб, уни ўрганмасдан туриб Марказий Осиё тарихи археологияси, географияси, этнографияси ҳакида тасаввурга эга бўлиш мушкул [6].

Н.С. Ликошин таржимонлик фаолияти билан ҳам шуғулланган бўлиб, унинг энг машҳур ва муваффақиятли таржимаси Н.И.Веселовский ва В.В.Бартольд томонидан юқори баҳолангандан Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари эди.

Н.С.Ликошиннинг педагогик соҳадаги фаолияти ҳам дикқатга сазовор. Мактаблар ва турли курсларда педагогик фаолият юритган туркистоншунослар революциягача Тошкентда шарқшунослик олий ҳарбий мактабида дарс беришган, қарийб уларнинг барчаси ўз даврида шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими ёки Туркистоннинг бошқа илмий жамиятлари (М.С.Андрев, Н.С.Ликошин, А.А.Семенов ва бошқалар) аъзолари бўлганлар [7]. Шарқшунослик ҳарбий курсларида Туркистон АССР ва кўшини давлатлар-Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ҳалқлари турмуши ва тили уч йил мобайнида ўрганилган. Ушбу мактабда шарқшунос М.С.Андреев, Н.С.Ликошин, А.А.Семенов, И.Д.Ягеллолар дарс берганлар [8].

1894 йилда этнограф М.С.Андреев Туркистон ўқитувчилар семинариясида маҳаллий тиллар амалиётчиси этиб тайинланган эди. Бу ерда у семинариянинг уч синфида форс тилидан дарс беради ҳамда ўзбек тили бўйича барча синфларда амалий ва назарий машғулотлар олиб боради. Мактаблар учун ўқув-қўлланма ва дарслар нашр этишга умуман эътибор берилмаган бу замонларда М.С.Андреев қисқа давр ичida ўзбек тили бўйича ўқув қўлланма тайёрлайди [9].

Н.С.Ликошин эса ўз вақтида М.С.Андреевнинг худди шу қўлланмасини ёзувни ўрганиш учун энг яхши дарслар деб баҳолайди [10]. М.С.Андреев 1896 йил апрелидан 1897 йил мартағача ўриндош сифатида Тошкентдаги реал училищесида ўзбек тилидан дарс беради. Худди шу даврда инглиз тили курсига қатнашиб юрганида Н.С.Ликошин М.С.Андреев билан яқиндан танишади [11]. Н.С.Ликошин асарларида ўзбекларнинг бола тарбиясига оид баъзи маълумотларни ҳам келтиради [12].

Шарқшунос-автодидакт [13] Н.С.Ликошин баъзи шарқ ёзма тарихий манбаларни рус тилига таржима қилиш соҳасида ўзининг асарлари билан маълум ва машҳур эди. Ўрта Осиё тарихига оид энг муҳим манбалардан бири Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарини рус тилига ўгиришда унинг холисона ёндашуви, бутун куч ва билимини сарфлаб, жуда ҳам аниқликка эришишга интилганлиги унинг жасорати эди. Шунга қарамай, С.Н.Ликошин ушбу фаолиятида дуч келган барча тўсикларни енгиб ўта олмади. “Бухоро тарихи” асарининг 1897 йилги нашрини таҳлил этганда, Бухоро

тариҳий ўтмишини ўрганувчилар учун С.Н.Ликошин таржимасининг муҳаррири сифатида В.В. Бартольд асосий ҳал қилювчи ролни ўйнаган эди.

Умуман, В.В.Бартольдинг мاشаққатли меҳнати асосидаги муҳаррирлиги Н.С.Ликошин таржималарини нафақат бойитди, балки ушбу асарни қимматли шарҳлари билан таъминлаган эди. Н.С.Ликошин ўзининг ушбу китобида таъкидлаганидек, “В.В.Бартольд таржимани аниқ матнлар билан бериш ва тариҳий эслатмалар (изоҳлар) билан таъминлаш ишини ўз зиммасига олган” [14]. Н.С.Ликошиннинг 27 ноябрь 1897 йил В.В.Бартольдга ёзган хатида таржиманинг нашр қилиниши бўйича улкан иши ва ёрдами учун қуидаги мазмунда ўз миннатдорчилигини билдирган эди: “Сиз мендай бир ҳаваскорга сўз билан эмас, жуда жиддий иш билан солиштирса арзийдиган амалий ёрдам бердингиз” [15].

Ўлкада 40 йилдан зиёд хизмати билан қуий маъмурликдан Самарқанд ҳарбий губернатори лавозимиға кўтарилигандан Н.С.Ликошин ҳам рус ҳокимияти вакилларининг ноқобиллигини шундай таърифлаган: “Норозилик харакати кўтарила борди, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ур-иқитлар ва ўлдиришлар содир бўлди. Маҳаллий амалдорларнинг тушунтиришлари ва огоҳлантиришлари халққа таъсир килмади. Маъмурларнинг сўзларига халқнинг мутлақо ишончи қолмади” [16].

1916 йилги кўзғолон Туркистондаги халқ оммасининг истиқлол курашида энг юқори босқич бўлиб, унда иқтисодий, ижтимоий, диний, сиёсий ва миллий озодлик гоялари ўзаро уйғунлашган ҳолда намоён бўлди. Истиқлол курашининг гоявий илҳомчилари бўлган жадидлар Петроградга бориб мардикорликка сафарбарлик муддатини кечикиришга муваффақ бўлингани, Россия парламенти - Давлат Думасида халқ кўзғолонини қонга ботирган мустамлакачиларнинг бебошлигини фош этишгани ҳамда уларнинг миллий-озодлик кўзғолонида ўз ўринларига эга бўлганларидан далолат беради [17].

Н.С.Ликошин 1916 йил кўзғолонига тўғридан-тўғри алоқадор эди. Чунки кўзғолон Самарқанд вилоятининг марказий уездларидан бири Хўжандда бошланган эди. Н.С.Ликошин эса (1906-1912 йилларда Хўжанд уездининг бошлиғи бўлган). Ўша вақтда шарқшунос Н.С.Ликошин Россия империяси маъмурий тизимининг бир қисми сифатида ўзини намоён этади. Кўзғолон шафқатсизларча бостирилди, юзлаб одамлар ўлдирилди, қишлоқлар таланди ва ёндирилди. Аммо бу фактлар Н.С.Ликошин ҳисоботида акс эттирилмаган. 1916 йил ёзи С.Н.Ликошин учун синов даври бўлди: бу оғир кунларда юз берган воқеаларга у шарқшунос-олим ёки подшо амалдори сифатида ўзининг муносабатини аниқлаб олиши керак эди. У шуни тушундиди, икки турли маданиятга тегишли аҳолининг бир ҳудудда истиқомат қилиши, табиийки, уларнинг бир-бирига яқинлашувига сабаб бўлади ва бу омил уларни ўрганишни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам 1903 йилда Н.С.Ликошиннинг “Результаты сближения русских с туземцами” номли мақоласи худди шу масалаларни ечишга бағишланган эди. Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори лавозимида туриб у имкон қадар маҳаллий халқ учун адолатли ва фойдали бўлишга интилди. 1917 йилнинг бошида С.Н.Ликошин ўз лавозимидан четлаштирилди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида у Туркистонда қолиб яшади. У умрининг сўнгги йилларини (1920-1922) Самарада ўтказади ва университетда “Туркистоншунослик” курсидан маърузалар ўқиёди [18].

Туркистонда узоқ йиллар давомида фаолият олиб борган Н.С.Ликошин Ўрта Осиё халқлари ва маданиятини ўрганишда катта ҳиссасини қўшди. Миллатига, динига ёт бўлган, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан ўрнак олса арзийдиган маҳаллий халқнинг ўтмиши, маданияти ва урф-одатларини мукаммал даражада ўрганишга ҳаракат қиласди бу маъмурий шахс ўз изланишларидан фақат сиёсий мақсадни кўзламади. Шунинг учун Ликошиннинг Туркистон тарихини масалаларига бағишланган тадқиқотлари ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном Советском востоковедении. Т.: “Наука”, 1965, -С.368-369.
2. Рахимов Н. На перепутье: генерал-востоковед Н.С.Ликошин и восстание 1916 года в Средней Азии. /Переосмысление восстания 1916 года в Центральной Азии. Киргизыстан. 2016.-С. 25
3. XX асрнинг дастлабки 30 йиллигига Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). 2-қисм., Т.: “Фан”, 1994. –Б.309.
4. Набиев А. Тарихий ўлкашунослик (Ўлкани ўрганишнинг асосий манбалари). Т.: “Ўқитувчи”, 1979.-Б.24.
5. XX асрнинг дастлабки 30 йиллигига Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). 2-қисм., Т.: “Фан”, 1994. –Б.332-333.
6. История и историки Узбекистана в XX веке. Т.: 2014, “Navro’z”.-С.58-59.
7. Дониёров А.Х. Очерки истории этнографической науки Узбекистана (конец XIX в.-20-30-е годы XX в.). Книга-2. 20-30-е годы XX в. –Т.:1996.-С.7.
8. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигига Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). 2-қисм. -Т.”Фан”, 1994.-Б.290-291.
9. Андреев М. Руководство для первоначального обучения сартовскому языку в Ташкентском реальном училище. 1896.
10. Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерк быта туземного населения. Пг., 1916, стр.36.

11. Акрамова Х.Ф., Акрамов Н.М. Востоковед Михаил Степанович Андреев. (Научно-биографический очерк). Душанбе, “Ирфон”, 1973.-С.66.
12. Убайдуллаева Б. Ўзбек этнопедагогикаси тенденциялари. Т.:“Akademnashr”, 2018.-Б.13.
13. Автодидакт- самоучка(ўзб. мустакил ўрганувчи). Словарь синонимов русского языка. Практический справочник. М., Русский язык. З.Е.Александрова. 2011.
14. Мухаммад Наршахи. История Бухары. (перевел с персидского Н.Лыкошин) под редакцией В.В.Бартольда. Ташкент, 1897.-С.6.
15. Лунин Б.В. Жизнь и деятельность академика В.В.Бартольда. Средняя Азия в отечественном востоковедении. Т.: «Фан» 1981.-С.45.
16. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: “Шарқ” 2000.-Б.417.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: “Шарқ” 2000.-Б.448.
18. Леонтьева О.Б. Превосходный знаток Востока: Нил Сергеевич Лыкошин в Самарском университете. // Самарский земский сб.-2007.-№1 (15).-С.28-33.

УЎК 93/94

СОБИҚ СОВЕТ ДАВРИДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАФКУРАВИЙ АСОСЛАРИ

M. Мансуров, PhD, Тошкент давлат техникауниверситети Кўқон филиали, Кўқон

Аннотация. Мақолада Совет иттифоқи йилларида туризм индустрияси тўлақонли коммунистик мафкура тарғибот қурулига айлантирилиши ҳамда туристларга “психологик” ва “ахборот” орқали таъсир кўрсатиш ўйналишлари очиб берилган.

Калим сўзлар: туризм, туристик маршрут, “психологик таъсир”, “ахборот”, коммунистик мафкура

Аннотация. В статье описывается трансформация туристической индустрии в полноценную коммунистическую идеологию в советское время, а также способы воздействия на туристов посредством «психологического» и «информационного».

Ключевые слова: туризм, туристический маршрут, «психологическое воздействие», «информация», коммунистическая идеология

Abstract. The article describes the transformation of the tourism industry into a full-fledged tool of propaganda of the communist ideology during the Soviet era, as well as ways to influence tourists through "psychological" and "informational".

Key words: tourism, tourist route, "psychological impact", "information", communist ideology

Совет иттифоқи даврида туризм иқтисодиётнинг янги тармоғи сифатида пайдо бўлди. Туризмдан совет халқини тарбиялаш воситаси сифатида ҳам қаралганлиги соҳа тараққиёти учун кенг йўл очди. Мамлакатда нафақат ички туризм шунингдек, ташки туризм ҳам ривожлана бошлади. Бундан кўзланган мақсад “мамлакат хақидаги ёлғонлар”ни йўқ қилишдан иборат эди [1.Б.24]. Бу ўз навбатида иқтисодиётни ўсишига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, бу даврда Совет давлатининг маъмурӣ-бўйруқбозлика асосланган тизими томонидан унга мос равища ишлаб чиқилган коммунистик мафкуранинг соҳта ғоялари билан сугорилган беш йиллик режа ва дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида, соҳада сифат эмас, микдор кетидан кувиш авж олди. Совет иттифоқида “социалистик жамият куриш ва коммунизм яратиш” борасида олиб борилган сиёсатнинг “ижобий” томонлари билан хорижликларни лол қолдирувчи тарғибот қурулига айлантирилди.

Совет иттифоқи йилларида туризм коммунистик ғоялар билан “қуроллантирилганлиги” туфайли ҳам уни тарихий-мафкуравий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. 1920-1930 йилларда туризм соҳаси Ўзбекистон худудида ҳам ривожлана бошлади. Айнан шу даврда Ўрта Осиё мамлакатлари бўйлаб дастлабки туристик маршрутлар йўлга қўйилди. Шунингдек, хорижлик сайдхъларни назорат қилувчи Коммунистик партия таркибида маҳсус бўлимлар ташкил этилди ҳамда туристларни маҳаллий аҳоли билан муносабати ҳамда “сиёсий” жиҳатдан назорат қилиш вазифалари билан шуғулланган [2.48.В.10]. 1932 йилдан Ўзбекистон худудига жумладан, Фарғона водийсига саёҳатлар ташкил этилган бўлса-да, амалда мунтазам саёҳат ахборотлари доимий юритилмаган [2.48.В.15]. Бу ўз навбатида ушбу даврни тўлақонли ёритишда муаммолар келтириб чиқарди.

Фарғона водийси бўйлаб саёҳат маршрутлари 1927 йилдан ташкил этила бошланган. Водийда асосан қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан иттифоқдош республикалардан ташриф буюрган сайдхълар таништирилган. Сайдхъларга қулийлик яратиш мақсадида маҳаллий аҳолининг тортиб олинган кўргон ва ховлиларидан меҳмонхона сифатида фойдаланилган [2.48.В.19].

Фарғона водийсида туризмни ривожланиш жараёнлари 1955 йил Интуррист ташкилотининг Хартияси қабул қилиниши билан янада кучайди. Москва, Прага шаҳарларида ташкил этилган савдо